

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№18 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий Университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

"Ўтмишга назар" журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial Board of the Look to the past

Кебадзе Мадонна
*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Бурдиашвили Майя
*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Кожакева Ляззат Темировна
*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова
*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети*

Зияева Доно Ҳамидовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Халикова Раҳбар Эргашевна
*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна
*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна
*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Абдор Анварович
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Саипова Камола Давляталиевна
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна
*тарих фанлари номзоди, профессор, Тошқи
ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
*тарих фанлари доктори, Тошкент Кимё -
Технология Институтида*

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1.Шамсиева Ирода Махмудовна, ТАРИХНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА QR-КОДЛАР: ЎЗБЕКИСТОНДА УНИ Қўллашнинг имкониятлари, муаммо ва истиқболлари.....	4
2.Турсунов Нурулло Нарзуллаевич, ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ.....	17
3.Сангирова Дилорам Хўжамқуловна, ҲАЖ ЗИЁРАТИ ВА ҲУКМДОР ҲОЖИЛАР.....	24
4.Shirnova Fotima Nosirovna, ISLOM KARIMOVNING "TARIXIY XOTIRASIZ KELAJAK YO'Q" ASARIDA TARIX FANINI O'QITISHNING DOLZARB MUAMMOLARI.....	38
5.Вахобов Ботирали Михайлович, ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЭТНОГРАФИК ГУРУҲЛАРИ.....	43
6.Ҳабибуллаев Ориф, ТУРК ХОҚОНЛИГИДА Қўлланилган ҲАРБИЙ УНВОНЛАРГА ДОИР.....	50
7.Самадов Хуршид Баходирович, Салимов Шерзод Юнусович, XX АСРНИНГ 90-ЙИЛЛАРИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ МУАММОЛАРИ: ТАЖРИБА ВА ЮТУҚЛАР.....	57
8.Тўхтабаев Аъзамжон Шарипхўжаевич, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА "UZBEKISTAN AIRWAYS" ФАОЛИЯТИГА НАЗАР.....	69
9.Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна, АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ТАСАВВУФ ТАРИХИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРГА ДОИР.....	75
10.Раззоқова Гўзал Қодировна, ХОРАЗМ ХАЛҲАЧИЛИГИ.....	81
11.Бахтиёр Режавалиевич Халмуратов, Малоҳат Одилова, НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ФОЛЬКЛОР ТУРИЗМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР.....	85
12.Жайнаров Обиджон Ҳамидўгли, ТУРКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИ: СТРУКТУРАСИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИ (1917-1922 йиллар).....	90
13.Юсупова Гуллола, ФАРҒОНА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ ХАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР (1960-1980 йй.).....	98
14.Холияров Тўлқинжон Чоршанбиевич, ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА ОИД ЯНГИ ТАДҚИҚОТЛАР Тўғрисида.....	103

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Хакимова Шоира Сағдуллаевна,
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
тарих факультети таянч докторанти

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ТАСАВВУФ ТАРИХИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРГА ДОИР

For citation: Shoir S.Khakimova. The era of amir Temur and timurid is devoted to the study of the history of sufism. 2019, vol. 1, issue 18, pp. 75-80

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-18-09>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Амир Темур ва темурийлар даври тасаввуф тарихини ўрганиш борасида олимларимизнинг олиб борган айрим тадқиқотлари тўғрисида маълумот берилган.

Калит сўзлар: Амир Темур, тасаввуф, пирлар васайидлар, суфий, тариқат, таълим, таънавият, таънавий тарбия, тадқиқот.

Хакимова Шоира Сағдуллаевна,
Базовый докторант факультета истории
Национального университета Узбекистана
имени Мирзы Улутбека

ЭПОХА АМИРА ТЕМУРА И ТЕМУРИДА ПОСВЯЩЕНА ИЗУЕНИЮ ИСТОРИИ СУФИЗМА

АННОТАЦИЯ

В этой статье содержится информация о некоторых исследованиях наших ученых по истории мистики Амира Темура и Тимуридов в годы независимости.

Ключевые слова: Амир Темур, суфизм, пиры и сайиды, суфии, течение, учение, духовность, духовное просвещение, исследование.

Shoira S. Khakimova,
Basic doctorate of the history
National University of Uzbekistan
Name of Mirza Ulugbek

THE ERA OF AMIR TEMUR AND TIMURID IS DEVOTED TO THE STUDY OF THE HISTORY OF SUFISM

ANNOTATION

This article contains information about some of the studies of our scientists on the history of mysticism Amir Temur and Timurids during the years of independence.

Key words: Amir Temur, Sufism, holy Pirsand Sayids, Sufis, current, teaching, thinking, spirituality, spiritual enlightenment, research.

Тасаввуф инсониятни руҳий-маънавий покланишга даъват этувчи ғоялар силсиласи сифатида пайдо бўлиб, унинг намояндалари узоқ асрлардан бери инсоният ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Кўплаб олим ва адиблар, давлат ва жамоат арбоблари ўзларини тасаввуф оламига дахлдор санаган, унинг покликка даъват этувчи ғояларини ўз илмий-бадиий фаолияти, халқ турмуш тарзига татбиқ этиш йўлида ҳаракат қилган. Чунончи, буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг Хожа Аҳмад Яссавий қабри устига мақбара тиклаганликлари, ўз фаолиятларида машҳур тариқат пешволари Саййид Амир Кулол, Саййид Умар ҳамда Саййид Барака маслаҳатларига амал қилганликлари - тарихдан яхши маълум.

Тасаввуф йўлида риёзат чеккан буюк шайхларнинг ислом дунёсидаги адади чексиз бўлиб, шулардан бир қанчаси Туронзаминда туғилиб, вояга етган. Улар яратган таълимот, маънавий бойликлар ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Мустақиллигимизнинг шарофати билан маънавий меросимизни ўрганиш ва маданий қадриятларимизни тиклашга кенг йўл очилди.

"Марказий Осиё тарихида, - деб ёзган эди республикаимиз биринчи президенти И.А.Каримов, ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар жуда кўп бўлган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, ал - Хоразмий, Абу Райхон Беруний, ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқакўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар"[1]. Халқимиз маънавий мероси ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, унда ислом асосида шаклланган тасаввуф таълимоти узоқ асрлар давомида ниҳоятда муҳим рол ўйнаб келди.

Яссавия, кубровия, нақшбандия тариқатлари Мовароуннаҳр, Хоразм ва Бухоро заминида шаклланиб, мусулмон Шарқининг бошқа ўлкаларига ҳам

кенг тарқалди. Хусусан, Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳрда кенг тарқалган нақшбандия тариқати шаҳарда зиёлилар, хунармандлар орасида кенг тарқалиб, ўз даврида илм-фан, маданият ривожланишига ғоявий асос сифатида катта таъсир кўрсатди"[5].

Амир Темур ва темурийлар даври тасаввуф тарихи, у давр тасаввуфиймуносабатларини ўрганиш борасида олимлар сезиларли ишларни

амалга оширдилар. Таниқли олимлардан Н.Комиловнинг "Тасаввуф", М.Хайруллаев "Буюк сиймолар, алломалар", З.Қутибоевнинг "Хожа Ахрор вали", И.Султоннинг "Баҳоуддин Нақшбанд абадияти", О.Усмоннинг "Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти", Г.Наврўзова ва Н.Саффоровларнинг "Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий дунёқарашлари", О.Буриевнинг "Хожа Алоуддин Аттор" ва "Темурийлар даври маънавий мероси тарихидан", Ҳомиджон Хомидийнинг "Тасаввуф алломалари", Б.Валихужаевнинг "Хожа Ахрор тарихи" ва М.С.Раззокованинг "Яъқуб Чархийнинг илмий меъроси ва унинг нақшбандия тариқати ривожда тутган ўрни" номли рисола ва монографиялари бу давр тасаввуф тарихини ёрутувчи асосий адабиётлардандир.

Шунингдек, кейинги пайтларда тасаввуфга оид тадқиқот ишларини олиб борган олимлар В.Зоҳидов, А.Қаюмов, М.Хасаний, Э.Каримов, К.Каттаев, М.Жабборов, Р.А.Тиллабоев ва Р.Шодиевларнинг бу соҳадаги ишларини алоҳида қайд этиб ўтиш мумкин. Р.А.Тиллабоевнинг докторлик илмий даражасини олиш учун ёзган тадқиқоти Марказий Осиёда яшаган нақшбандия тариқатининг шайхлари ва уларнинг ҳаётини ёритиб берадиган манбаларни тарғиб қилишга бағишланади. М.Исмоиловнинг ҳам мазкур мавзунини ёритувчи қатор мақолалари, яъни "Темурийлар даврида яратилган айрим тасаввуфий манбалар" ва Нақшбандия-мужаддия тариқатининг XVIII асрдаги йирик вакили ҳамда ушбу тариқатнинг асосий қоидаларини, назарияларини бир қатор илмий асарларида таълиф қилган шайх Мусохон Даҳбедийнинг ҳаёти ва фаолиятига доир янги маълумотларни ёритувчи "Мусохон Даҳбедий" номли мақолалари илмий-оммабоп журналларда чоп этилган. Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ўзбекистонлик олимлар чет эллик олимларнинг тасаввуфга оид бир қанча асарларини ҳам ўзбек тилига таржима қилиб, нашрдан чиқарганлар.

Амир Темур ва темурийлар даври тасаввуф тарихи, нақшбандия тариқати юзасидан мустақиллик йилларида олиб борилган илмий тадқиқотларга алоҳида тўхталиб ўтадиган бўлсак, манбашунос олим Маҳмуд Хасаний илмий асарларининг аксарияти тасаввуф ва нақшбандия тариқатига оид манбаларни ўрганишга бағишланган. Маҳмуд Хасаний 1993 йили Муҳаммад Боқирнинг "Мақомати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд" китобини таржима қилди.

Шу билан бирга Маҳмуд Хасаний хожагон тариқати асосчиси Абдулхолиқ Ғиждувоний, унинг ҳаёти, фаолияти ҳақида илмий изланишлар олиб боради [9]. Мавзунини батавсил ёритишга ҳаракат қилар экан, шу соҳада тадқиқот олиб борган бошқа олимларнинг илмий асарларига таяниб иш кўради. Шунинг учун олимнинг илмий ишлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Г. Музаффарова билан ҳаммуаллифликда ёзилган "Хожаи жаҳон - Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний" [8] номли рисолада хожагон-нақшбандия тариқатининг асосий ҳуқуқий устунини ҳисобланган ўн бир рашҳасига алоҳида тўхталиб, тавсиф бериб ўтилади. Ушбу рисолада Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳақида мутасаввиф олимлар фикрларини баён қилиш билан биргаликда олимларнинг илмий ишларига ҳам тавсифлар бериб ўтилади ҳамда ушбу асарлардан маънавий, ахлоқий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни келтириб ўтади.

Нақшбандия тариқати мавзусида тадқиқотлар олиб борган тадқиқотчи олимларимиздан яна бири М.Хайруллаевдир. Унинг "Буюк сиймолар, алломалар" [7] китобида нақшбандия тариқати шайхлари ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, асарда "Нафаҳот ул-унс", "Рашаҳот" ва Навойнинг "Насойим ул-

муҳаббат" асарлардан маълумотлар ҳам келтирилган. Ушбу манбалардан фойдаланган ҳолда темурийлар даврида яшаган шайхларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар беришга интилади.

М.Хайруллаев Темурийлар даврида яшаб фаолият кўрсатган 3 халифа: Хожа Муҳаммад Порсо, Яъқуб Чархий ва Хожа Ахрор валий ҳақида маълумотлар беради. Унда бу шайхларнинг ҳаёти, фаолияти, тариқатни ривожлантиришдаги хизмати ҳақида батавсил тўхталиб ўтади.

Шунингдек, М. Хайруллаев Хожа Муҳаммад Порсонинг асрлар давомида шуҳрат қозонган асарлари ҳақида сўз юритади ва бир қанча таъриф беради.

Хожа Убайдуллоҳ Ахрор валий ҳақида тўхталаркан, М.Хайруллаев уни, Марказий Осиё халқларининг XV асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаёти ривожидан муҳим ўрин тутган деб таърифлайди.

Нақшбандия тариқатининг тараққиёти ва ривожланишида алоҳида ўрин эгаллаган аллома Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг халфаси - шогирди Хожа Алоуддин Аттор ҳаёти ва фаолияти, илмий мероси масалаларига бағишланган О.Буриевнинг "Хожа Алоуддин Аттор"[2] деб номланган илмий тадқиқот иши нақшбандия тариқатига оид муҳим илмий тадқиқотлар сирасига киради.

Хожа Алоуддин Аттор ҳақида ёзилган ушбу рисолада ёзма меросимизда мавжуд маълумотларни жамлаб, таҳлил қилиш билан бир қаторда оғзаки хабарлар асосида Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг авлодлари мавзуга доир маълумотларга ҳам тўхталиб ўтилган.

Рисола тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида Хожа Алоуддин Аттор ҳаёти, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд билан шогирдлик муносабатлари, Нақшбанд ўлимидан кейин унинг фаолияти, Хожа Алоуддин Атторнинг нақшбандия тариқатини кенг оммага ёйишдаги хизматлари ҳақида манбаларда келтирилган маълумотлар асосида ёритилган.

Иккинчи қисм Хожа Алоуддин Атторнинг авлодлари ҳақида. Хожа Алоуддин Атторнинг фарзандлари Хожа Ҳасан ва у кишининг кароматлари хусусида сўз боради.

Учинчи қисм "Хожа Алоуддин Атторнинг ўғитлари" деб номланиб, Хожа Алоуддин Атторнинг ҳаётий тажрибалари, Хожа Баҳоуддин ҳақида айтган ўғитлари, уларни Хожа Муҳаммад Порсо ёзиб борган ва "Мақомати шайх Алоуддин Аттор" номи билан маълум рисола шаклига келтирилганини айтиб ўтилади. Шу билан бирга Хожа Алоуддин Аттор ўзлари айтган ўғитларидан келтирилиб, таърифлар берилади. Бу бўлимда яна "Раҳоҳот айн ал-ҳаёт"да Хожа Алоуддин Атторга мансуб 27 та таълимот, ўғит келтирилганлиги ҳақида айтиб ўтилади ва қуйида Хожа Алоуддин Атторга тегишли бир қанча ўғитлар келтирилади.

Рисоланинг тўртинчи қисми Хожа Алоуддин Атторнинг Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги ҳикояларига бағишланган. Унда Баҳоуддин Нақшбанднинг юриш-туришлари, ўзларини тутишлари, айтган ўғитлари ҳақида Хожа Алоуддин Аттор айтганлари Салоҳ ибн Муборак ал -Бухорийнинг "Анис ат-толибийн" асарида келтирилади.

О.Буриев томонидан кейинги йилларда амалга оширилган тадқиқотлар орасида 2009 йилда нашр қилинган "Темурийлар даври маънавий мероси тарихидан"[3] номли рисоласи муҳим аҳамиятга эгадир.

Рисола мазмун жиҳатдан икки қисмдан иборат. Унда дастлаб, хожагон таълимоти, XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда кечган муҳим сиёсий воқеалар,

нақшбандия тариқатининг темурийлар давридаги йирик вақиллари (хожа Алоуддин Аттор, хожа Муҳаммад Порсо, мавлоно Яъқуб Чархий, Хожа Ахрор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий) ҳақида, ҳамда Хожа Ахрор Валий ва унинг шажарасига тааллуқли айрим тарихий шахслар ва уларнинг Марказий Осиё маънавий ҳаётидаги ўрнига оид маълумотлар берилган. Кейинги қисм эса, темурийлар даврида тасаввуф, аниқроғи, хожагон-нақшбандия тариқати мавзусида ёзилган ва ТДШИ ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази хазинасида сақланаётган қўлёзма асарларнинг тавсифини ўз ичига олади.

Нақшбандия тариқатининг илохий мазмун моҳияти, ибора ва тушунчалари, тариқатнинг асл маънавий илдизлари масалаларини Н.Комилов ўзининг "Тасаввуф"[4] асарида ёритиб беришга ҳаракат қилади. Унинг фикрича нақшбандия тариқатининг сулуки Абдулхолик Фиждувонийга бориб тақалади. Шу билан бирга Н.Комилов нақшбандия тариқатини таҳлил этиб унинг қоидаларини шариат қонунлари, Пайғамбар суннатларига мос келиши ва нақшбандия тариқати ривожланиши даврида тасаввуфда турли сулук ва йўллар шаклланиб, ислом шариатида унча мувофик келмайдиган жиҳатлар пайдо бўлганлигини айтиб ўтади. Ўзининг бу фикрини илмий асослаб беради.

Шунингдек, асарда инсоннинг моддий олами ва руҳий олами таҳлил этилиб, тасаввуфда маънавий жиҳатлар устун туриши ҳақида фикр мулоҳазалар юритилади.

Ушбу тадқиқотда "ўзлат" ва унинг фойда ва зарарларига атрофлича тўхталиб ўтилади, ҳамда Баҳоуддин Нақшбанднинг фаолияти орқали тариқат қоидаларига тушинтириш берилади. Н.Комиловнинг фикрича нақшбандия улuf бирлаштирувчилик қавмлар, табақалар ва тоифаларни ягона сунний йўлидаги суфиёна мафкура асосида жипслаштириш ишини амалга оширган.

Сўнги йилларда Темурийлар даври нақшбандия таълимоти ва унинг намоёндаларига бағишланган йирик тадқиқотлардан бири М.С.Раззоқованинг "Яъқуб Чархийнинг илмий мероси ва унинг нақшбандия тариқати ривожиди тутган ўрни" номли тадқиқотида [6].

Тадқиқот асосан, Нақшбанднинг халифаси ҳисобланган Яъқуб Чархий, унинг илмий мероси ва илмий меросидаги маънавий ахлоқий масалаларига бағишланган. Чархий нақшбандия тариқатининг илмий назарий асосларини ўз асарларида яратар экан, шу билан бирга кенг халқ оммасига нақшбандия тариқати тарғиботини амалга оширади.

М.Раззоқова ўзининг тадқиқотида Чархий илмий меросининг ислом қонуниятчилиги, ахлоқий, маънавий қадриятлари шаклланишида тутганаҳамиятини асослаб, батафсил ёритиб беришга катта эътибор қаратади.

Ҳамиджон Ҳомидий томонидан 2009 йил нашрга тайёрланган "Тасаввуф алломалари" номли тадқиқоти ҳаммуҳим аҳамиятга эгадир. Талай манбаларга суянган ҳолда муаллиф кўплаб шайхларнинг таржимаи ҳоли, фаолиятини ихчам, равон ва оммабоп усулда ёритиб берган. Китобда ривоятлардан унумли фойдаланилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мустақиллик йилларида Амир Темур ва темурийлар даврида ватанимиз ҳудудида вужудга келган ва аждодларимиз томонидан ахлоқий-меъёрий тамойиллари ишлаб чиқилган ҳамда ислом дунёсига кенг ёйилган тасаввуфнинг ажралмас бўлаги нақшбандия тариқатини ўрганишда салмоқли ишлар амалга оширилган бўлишига қарамай, фаннинг бу масаласини ҳали ҳануз очилмаган жиҳатлари ва қилинадиган ишлари жуда кўп ва тўла

ўрганилмаган долзарб мавзулардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997 (Karimov I.A. Uzbekistan is on the verge of the 21st century. - Tashkent: Uzbekistan, 1997).
2. Бўриев О. Хожа Алоуддин Аттор. -Т., 1994 (Buriev O. Hodja Alouddin Attor. -Т., 1994).
3. Бўриев О. Темурийлар даври маънавий мероси тарихидан. -Т., 2009 (Buriev O. From the history of the spiritual heritage of the Timurid era. -Т., 2009).
4. Комилов Н. Тасаввуф. -Т., 2009 (Komilov N. Sufism. -Т., 2009.).
5. Мўминов И. Танланган асар. Том I. - Т., Ўзбекистон, 1976.
6. Раззоқова М.С. Яъқуб Чархийнинг илмий мероси ва унинг нақшбандия тариқати ривожига тутган ўрни. -Т., 2001 (Razzakova MS The scientific heritage of Jacob Charhiy and his role in the development of the pattern of nakshbandiya. -Т. 2001).
7. Хайруллаев М.М. Буюк сиймолар, алломалар. III китоб. -Т.2002 (Khairullaev MM Great figures, thinkers. Book III. -Т. 2002.).
8. Хасаний М., Музаффарова Г. Хожаижаҳон - Хожа Абдулхалиқ Гиждувоний. - Т., 1994 (Hasaniy M., Muzaffarova G. Khojaijahan - Khoja Abdulkhaliq Gijduvani. - Т. 1994.).
9. Хасаний М., Қиличева К. Гиждувоний илм аҳллари хотирасида. -Т., 2003 (Hasaniy M., Kilicheva K. In memory of the scholars of Gijduvani. -Т., 2003).
10. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. - Т., Шарқ, 2009 (Khomid H. Scientists of mysticism. - Т., Sharq, 2009).

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№18 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000